

Умаров Баҳром,

Сурхондарё вилоят ХТХҚТМОХМ, “Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири

ФИНЧА ҲИКОЯЛАР АЙТИШ УСЛУБИ - ЎҚУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТАЖРИБАСИ

УДК: 372.882

УМАРОВ Б. ФИНЧА ҲИКОЯЛАР АЙТИШ УСЛУБИ - ЎҚУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТАЖРИБАСИ

Мақолада ўқувчиларда коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда финча “Ҳикоя қилиш услуги” қўлланилишининг мазмуни ва, моҳияти ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: янгиланаётган педагогик фикр, ўқувчининг инновацион фаолияти, финча “ҳикоя қилиш услуги”, ўқувчи компетентлиги, “келажак кўникмалар”.

УМАРОВ Б. ФИНСКИЙ СТИЛЬ ПОВЕСТВОВАНИЯ - ИННОВАЦИОННЫЙ ОПЫТ В РАЗВИТИИ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧАЩИХСЯ

В статье раскрывается содержание и сущность применения финского «стиля повествования» в развитии коммуникативной компетенции учащихся.

Ключевые слова и понятия: обновленное педагогическое мышление, инновационная активность учащихся, финский «стиль повествования», компетентность учащихся, «навыки будущего».

UMAROV B. FINNISH FAIRY TALES INTERNATIONAL EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF STUDENT COMMUNICATIVE COMPETENCY

The article is devoted to the content and work of the Finnish «storytelling style» implementation in the development of communicative competence among students.

Key words and concepts: updated pedagogical ideas, innovative activity of the student, Finnish «storytelling style», student competence, «future days».

Кириш. Инсон бугунги кунда тайёр ечимлар бўлмаган ва берилмайдиган ўзгариб боровчи муҳитда, жамиятда фаолият юритмоқдаки, унда ҳар бир шахс зарур ечимни ўзи мустақил топиши ва ушбу ечим оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши талаб этилаётган бир даврда рақобатбардош, мустақил фикрловчи ва қарор қабул қила олувчи, ўзгалар фикрини тинглаб, уни эътиборга олган ҳолда хулоса чиқара олувчи шахсни тарбиялаш таълим босқичларининг устувор вазифаси бўлиб қолмоғи лозим.

Сир эмаски, дунё мактаб таълими аллақачон ёшларга “келажак кўникмаларни” шакллантириш борасида кенг қамровли амалий ишларни олиб боришга ҳам улгурди¹.

Олам ҳаракати тезлашишига доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борган Митио Каку яқинда «Власть Денег» нашрига берган интервьюсида келажак таълими ҳақида гапириб “Креатив, тасавури бой, ташаббускор ва етакчи шахслар олға юради. Боиси, роботлар бунинг уддасидан чиқолмайди. Роботлар образли фикрламайди, уларда тафаккур ёки табиийлик йўқ. Жамият иқтисодий жараёнлардан ақлий-ижодий жараёнга ўтади. Маҳсулотлар бозоридан когнитив-ижодий салоҳиятни устун қўя олган давлатларнинг муваффақиятга эришиши осон бўлади”, - деган эди².

Таълим тараққиётини белгиловчи муҳим мезон сифатида ўқувчиларнинг ўқув ютуғи нафақат унинг эгаллаган шахсий ва ижтимоий компетентлиги, балки рақобатбардош “келажак” кўникмаларини ўзлаштириши билан белгиланмоғи зарур.

Албатта, бу каби ёндашув мамлакатда туб моҳияти билан янгиланаётган педагогик фикрларда янгиликлар, изланишлар, муаммолар мавжуд бўлишига қарамай таълим жараёнига илғор технологияларнинг кириб келиши таълим жараёнининг либераллаштирилиши жараёнини кучайтиради. Таълим жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг анъанавий усулдан технологик, иждодий ва изланувчан усулга

ўтиш таълим жараёнига технологик ёндашув имконини беради.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарорида мактаб таълими бўйича илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш зарурати таъкидланган³. Шунинг учун, хусусан, Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, умумтаълим фанларини ўқитишда мулоҳаза ва фикрлашга чорлайдиган методикани яратиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, халқаро тадқиқотлар илғор таълим амалиётини кузатиш, инновацион таълим сиёсати ҳамда амалиётини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнлари, умуман, ўрганишимиз мумкин бўлган кўпгина муваффақиятли мисоллар билан танишиш имконини беради.

Финляндия – юқори натижаларга эришиш масалаларида энг барқарор мамлакатлар сирасига киради. У қойилмақом таълимнинг синонимига айланган. Ҳақиқатан ҳам кўплаб мамлакатлар Финляндияга ўз экспертларини илғор тажриба, қонун чиқариш асослари ва яхши амалиётларни ўрганиб, ўз мактабларида қўллашни ўзлаштириш учун юборади.

Мақсад. Маълумки, таълим тизими индивидуал ёндашув, ишонч, ихтиёрийлик ва мустақиллик каби принципларга асосланган Финляндия таълим тизимида ўқувчиларнинг коммуникатив, мустақил фикрлайдиган, олган билимларини амалиётда қўллай оладиган компетенциявий ёндашувга асосланган таълим беришга устуворлик берилган.

Элиас Лённрот (EliasLönnrot) 1831 йилнинг 16 февридаги Фин адабиёти жамиятини ташкил қилишга бағишланган йиғилиш баённомасида: «Йиғилганлар ўртасида фин китоблари, фин тили ва уни адабиётда қандай қилиб энг яхши усулда қўллаш мумкинлиги тўғрисида суҳбат кетди. Йиғилиш якунида ҳамжиҳатликда ишлаш ҳар қандай ҳолатда ҳам яқка тартибда ишлашдан кўра яхшироқ эканлигига қарор қилдилар» - деб ёзиб қолдирган⁴. Ушбу амалий мақсад тез орада

¹ B.Umarov, Some judgements on the issues of the formation of «future skills» in students. - Scientific research results in pandemic conditions.Proceedings of International Multidisciplinary Conference.June, 2020.

² https://journal.fledu.uz/wp-content/uploads/sites/3/2019/04/Matio-Kaku_Nazira-Toshpolatova.pdf

³ <https://lex.uz/docs/5085887>

⁴ Тимоти Уокер, Финская система обучения: Как устроены лучшие школы в мире. – Москва: “Альпина”, 2018

фин миллий ўз-ўзини англаш намунасини яратиш воситасига айланди.

Ўз вақтида фин тили ислоҳоти, халқ ижоди асарларини сақлаш, тарихни ёзиш, адабиётни яратиш ва фин миллий ўз-ўзини англашни шакллантиришни ўз ичига олган финноманининг кенг миқёсда ривожланиши фин мактабларида алоҳида фанларни ўқитиш сифатига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Тадқиқотнинг ўрганиш даражаси. Фин мактабларида ижтимоий фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда “Ҳикоя айтиш” услуги кенг қўлланилаётган таълим усулларида бири саналади. Дунёнинг 50 тилга таржима қилинган ва турли тилларга таржима қилиш бўйича «Калевала» миллий эпосидан кейин Финляндияда иккинчи ўринда турадиган “Финляндиянинг 100 ижтимоий инновацияси” китоб муаллифи Илкка Тайпаленинг эътирофига¹, финча ҳикоялар айтиш услуги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион тажрибаси сифатида баҳоланган.

Фин мактабларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлиги 4 даража (бошланғич, мослашувчан, асосий, ижодий) асосида ривожлантирилади.

Ижтимоий фанлар доктори, психолог Моника Риихеля “Ҳикоялар айтиш услуги – бу бирдамлик ҳисини уйғотишга ёрдам берувчи муҳим фин ижтимоий инновациясидир². У фақатгина бир неча қўл остидаги воситаларни талаб қилади. Лекин, албатта ёнингизда ҳам катта ёшдагилар, ҳам болаларга нисбатан бўлган тўғри муносабат ва ҳар бир инсоннинг ёши, жинси, маданияти, маълумоти ёки қобилиятларидаги чекланишларидан қатъий назар, бошқаларга айтиб бериш учун бирон-бир шахсий ва муҳим бўлган воқеасининг мав-

жудлигига ишонч бўлиши керак. «Ҳикоялар айтиш» услуги 1980 йилларда болалар психологлари фаолияти доирасида ўйлаб топилган эди. Болаларнинг ҳикояларини тинглар ва ёзиб олар эканман, мен болаларни ҳолат ривожланишини ҳар қандай тахмин қилиш ёки йўлловчи саволларсиз ҳам тинглаш мумкинлигини аниқладим” деб ёзган эди.

Адабиёт ва тарих дарсларида ҳикояни ёзиб олувчи ўқувчига фақатгина қоғоз ва қалам керак. Кейин у ҳикоячига ўзининг нимани эшитишни хоҳлашини тушунтиради: «Ўзинг хоҳлаган ҳикоянгни айтиб бер. Сен уни қандай айтиб берсанг, мен уни сўзма-сўз ёзиб оламан. Эртаси тайёр бўлганда, мен уни сенга ўқиб бераман ва агарда сен хоҳласанг унга ўзгартиришлар киритишнинг мумкин».

Финча «Ҳикоялар айтиш» услубидан фойдаланишда суҳбатнинг мавзуси ва бориши олдиндан келишиб олинмайди. Ҳикоя баҳоланмайди. Нима ҳақида ва қандай сўзлаб беришни ҳикоячининг ўзи ҳал қилади. Шунингдек, нима ҳақида гапиришни истамаслигини ҳам ўзи ҳал қилади. Ўқувчилар бири-бирдан тортинмай ўз фикрларини айтиш, ҳимоя қилиш асосида тил ҳодисасининг қўлланиши ҳақидаги хулосаларини, унинг мазмунини қатъийлаштиришга эришадилар.

Фин мактабларидаги “Ҳикоялар айтиш услуги” оғзаки ҳикояларнинг бошқа усулларида фарқ қилувчи тўртта босқичдан иборат:

1. Ҳикояни эътирозларсиз тинглаш.
2. Ҳикояни ёзиб олиш.
3. Уни ўқиш.
4. Ҳикоячи хоҳишига кўра эҳтимолий хатоликларни тузатиш.

Мамлакатда «Ҳикоялар айтиш» услуги бу ҳикояни ёзиб олаётган тингловчи ва ҳикоячи ўқувчининг ички суҳбатида иштирок этадиган томонларнинг ўзаро муносабати сифатида баҳолайди. Ушбу услуб ҳар бир кишида таниш ва барчага маълум бўлган маълумотлардан ташқари, бошқа яна ҳеч кимда бўлмаган ўз тажрибаси ва атрофдаги олам ҳақидаги йиғилган маълумоти ҳам мавжуддир. Ҳикояни сўзлаб берувчига баҳо берилмайдиган вақтларда, у шунингдек ўз фикр ва тажрибаларини ҳам баён этади.

Илмий моҳият. Фин мактабларида «Ҳикоялар айтиш» услуги ёрдамида ўқувчиларнинг ўзаро муносабат жараёнлари

¹ Тайпале Илкка (под ред.). 100 социальных инноваций Финляндии. Как из Финляндии получилась Финляндия: политические, социальные и бытовые инновации. (Перевод с фин. Бустани О. и Кауппинен О. — Третье издание, обновленное. — Helsinki: Itämerikesrussäätio, 2018. — 360 с. — ISBN 9789523512818.)

² Тайпале Илкка (под ред.) 100 социальных инноваций Финляндии. Как из Финляндии получилась Финляндия: политические, социальные и бытовые инновации. (Перевод с фин. Бустани О. и Кауппинен О.). - Третье издание, обновленное. — Helsinki: Itämerikesrussäätio, 2018. - 360 с. — ISBN 9789523512818.). - 46 стр.

кўпроқ демократик тарзда бўлади. Осойишта ва камтар ўқувчилар ўзларини дадил тарзда ифодалашга ўрганадилар, сергап ўқувчилар эса тинглашни, ўз ҳиссиётларини бошқара олишни ўрганадилар, Жараёнда иштирок этувчилар бир-бирларининг янги қирраларини кашф этадилар. Ҳар бир ҳикоя қилиш бошқаларидан фарқ қилади, ҳар бир ҳикоячи ўқувчининг ўз луғати бор, ҳатто кичик болалар ҳам ўз сўзлари ва ҳикоя қилиш усуллари-дан фойдаланадилар.

Ҳикоя қилиш услуги ўқиш ва ёзишни ўрганишга кўмаклашади, унинг тингланаётган ва тушунилаётган эканлигига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради. Услубдан ҳам жуфтликда, ҳам гуруҳда фойдаланиш мумкин. Ҳикоялар ортидан ҳикоялар сўзлаб бериш мумкин. Шунингдек, гуруҳ ичида битта воқеани ўйлаб топиш ҳам мумкин. Ҳикояни график ёки мусиқий шаклда сўзлаб бериш мумкин, лекин барча тўрт босқичнинг мавжуд бўлиши ва ҳикояни тинглаш шартларини қониқтириши энг асосийсидир.

Финча «Ҳикоялар айтиш» услуги турли ёш гуруҳларига мослаштирилган ва 30 йилдан кўпроқ вақт давомида болалар маслаҳатхонаси, мактаб, кутубхона, болалар ўртасида ва терапия ҳамда бирдамлик туйғусини шакллантиришда фойдаланилади.

Тадқиқотнинг объекти. Умумтаълим мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, оила.

Тадқиқотда қўлланилган усуллар. Таълим-тарбия жараёнида финча “Ҳикоя айтиш” услуги қўллаш ўқувчиларда коммуникатив компетентлигини ривожлантириш билан бирга қуйидагиларга эришади:

а) ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади, ким эканлиги, нималарга қодирлиги, умумий савияси ҳамда дунёқарашини бошқаларга намоён этади.

б) кишиларда ишонч туйғусини уйғотади;

в) фикрларини асослаш масъулиятини шакллантиради;

г) тилга муносабатни ўзгартиради;

д) бошқаларга жиддий таъсир этади, уларни эргаштиради, дунёқарашининг, нарса-ҳодиса, воқеа ва атроф-муҳитга муносабатининг ўзгаришини таъминлайди.

Финча “Ҳикоя айтиш” услуги таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олув-

чиларда ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

Натижалар ва амалий мисоллар. Дарсинг такрорлаш, янги мавзунини мустаҳкамлаш ва уйга вазифа бериш қисмларида қўллаш мумкин.

Финча “Ҳикоя айтиш” услуги таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарсинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзунини такрорлаш ёки бир мавзунини кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда – янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарсинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

Инсон ўз олдига қўйган барча вазифаларни тил ёрдамида мулоқот қилиш орқали ҳал қилади, ёқимли мулоқот қила билиш эса қадим замонлардан санъат ҳисобланади. Ўрта Осиёнинг улуғ мутафаккири Абу Наср Форобий (873- 950) ўзининг илмий ишларида овоз, нутқнинг тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътибор беради. У «Илмларнинг келиб чиқиши» («Ихсо ул-улум») номли рисоласида бадий асарни ифодали ўқиш ва ўқиганини ҳикоя қилиб бериш зўр санъат эканлигини айтади. Унинг таъкидлашича, ҳикоячиликда (ўқишда) ўткир таъсири бўлган ана шу санъатда ўзига муносиб ўрин эгаллаган кишилар “ҳаким” дейилади ва у ўқишни, нотикликни эгаллаган санъаткор, файласуф, донишманд билан тенгдир¹.

Афсуски, бугунги кунда таълим муассасаларимизда асосан мулоқот воситаси ҳисобланмиш тил материалига эътибор қаратилади, коммуникатив лаёқатни бошқаларга тақлид қилиш йўли билан эгаллаш одат тусини олган. Ваҳоланки, нутқ маданиятини ривожлантириш ва мулоқот қобилиятини юксалтириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки,

¹ Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юрталарининг педагогика университетлари ва институтларининг филология йўналиши талабалари учун дарслик. Тошкент «Янги аср авлоди» 2010, 22-бет

шахснинг нутқига қараб унинг умумий маданияти, ўқимишлилиги, ишбилармонлик даражаси ва қатор бошқа хусусиятларига баҳо бериш мумкин.

Ҳаётда дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилиш кўпроқ уларни муҳокама қилиш, бошқаларга тушунтириб бера олиш билан чамбарчас боғлиқ. Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, мулоқотнинг тўғри ва унумли юритилиши ишлаб чиқариш унумини 20 фоизгача орттирар экан¹.

Хулоса ва амалий таклифлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сонли қарорида мактаб таълими бўйича илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш белгиланган. Шу сабаб мактаб таълими бўйича Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, умумтаълим фанларини ўқитишда мулоҳаза ва фикрлашга чорлайдиган усулларни жорий этишда финча «Ҳикоялар айтиш» услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

2. Умумтаълим муассасаларимизнинг таълим жараёнида финча ҳикоялар айтиш усули ўқувчиларни дарсга қизиқишини ошириш ва рағбатлантириш, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, дарсда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим сифатининг оширилишига эришиш ва ўқитувчи ишининг сезиларли даражада энгиллашишига ёрдам беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли Фармонида биноан ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг замонавий методикасини яратиш ҳамда олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичида «Касбий нутқ маданияти» фанини жорий қилиш² билан боғлиқ юмушларда ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда Финляндия таълим тизимининг ўқув ютуқлари тажрибаларидан унумли фойдаланиш аҳамиятдан холи эмас.

Адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/5085887>
2. <https://lex.uz/docs/5058351>
3. Тимоти Уокер, «Финская система обучения: Как устроены лучшие школы в мире». – Москва: “Альпина”, 2018.
4. Бобожонова. Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (19 аср охири ва 20 аср бошларида) 59 бет.
5. Тайпале Илкка (под ред.) 100 социальных инноваций Финляндии. Как из Финляндии получилась Финляндия: политические, социальные и бытовые инновации. (Перевод с фин. Бустани О. и Кауппинен О. Третье издание, обновленное. — Helsinki: Itämerikesrussäätio, 2018. — 360 с. — ISBN 9789523512818.)
6. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг педагогика университетлари ва институтларининг филология йўналиши талабалари учун дарслик, Тошкент «Янги аср авлоди» 2010, 22-бет
7. Umarov B. Some judgements on the issues of the formation of « future skills”in students. Scientific research results in pandemic conditions.Proceedings of International Multidisciplinary Conference. June, 2020.
8. Шанский Н.М. Что значит знать язык и владеть им. – Ленинград: “Просвещение”, — 1989. 9 стр.
9. https://journal.fledu.uz/wp-content/uploads/sites/3/2019/04/Matio-Kaku_Nazira-Toshpolatova.pdf

¹ Шанский Н.М. Что значит знать язык и владеть им. – Ленинград: “Просвещение”, 1989. - 9 стр,

² <https://lex.uz/docs/5058351>